

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАРШИЕВ ДАНИЯР ЭШПУЛАТОВИЧ

ЭКСПОРТНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УДК: 336:33М(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences**

Қаршиев Данияр Эшпулатович

Экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш 3

Қаршиев Данияр Эшпулатович

Совершенствование системы финансовой поддержки экспорта29

Karshiev Daniyar Eshpulatovich

Improving the system of financial support for exports55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works60

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАРШИЕВ ДАНИЯР ЭШПУЛАТОВИЧ

ЭКСПОРТНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан B2022.1.PhD/Iqt.1217 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Альмардонов Мухамади Ибрагимович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Қўзиёва Наргиза Рамазоновна иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Хайдаров Низомиддин Хамроевич иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49, (99871) 239-43-51. e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdu@tdiu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел: (99871) 239-28-72; 239-01-49. факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdu@tdiu.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.П. Эшов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

С.К. Худойкулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги етакчи ўрин тутувчи мамлакатлар тажрибаси миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришнинг янги усул ва воситаларини қўллаш асосида иқтисодий ўсишни рағбатлантириш экспорт салоҳиятини оширишга боғлиқлигини намоён этмоқда. «Дунё бозорига экспорт қилинган илмий хажмдор маҳсулотларнинг 36 фоизи АҚШ, 30 фоизи Япония, 22 фоизи Хитой давлатига тўғри келади. Ҳар бир миллион аҳоли сонига нисбатан инновацион маҳсулот экспортида банд бўлган илмий ходимлар сони бўйича 1-ўринда Исроил 8250 нафар, 2-ўринда Жанубий Корея 7113 нафар, 3-ўринда эса Япония 5210 нафарни ташкил этади»¹. Бу эса, фаол, интенсив экспортнинг устувор кўриниши бўлган самарали инновацион маҳсулотлар экспорти ҳажми ошишини рағбатлантириш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларини ҳал этиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Жаҳонда иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида экспортнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда экспортни қўллаб-қувватлашнинг замонавий услубларини қўллаш, янги восита ва манбалардан фойдаланиш, янги инновацион маҳсулот ва технологиялар турларини яратиш ва экспортини йўлга қўйиш, замонавий юқори самарадорликка эга инновацион маҳсулотлар экспортини рағбатлантиришга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган изланишларда давлат томонидан экспортни қўллаб-қувватлаш бўйича самарали механизмларни такомиллаштиришнинг назарий-услубий асосларини ишлаб чиқиш бу соҳадаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистонда барқарор ва юқори суръатдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда экспортни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада экспортнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш устувор йўналишлардан ҳисобланади. «...Экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш воситаларини ривожлантиришга, экспортни ва экспортни молиялаштириш механизмларини яратишга, узоқ муддатли барқарор ташқи бозорларни шакллантириш ва хорижда ташқи савдо инфратузилмасини яратишга етарли даражада эътибор қаратишга, ҳар хил хизмат турлари экспортини ташкил қилиш ва илгари суриш бўйича тизимли ишларни амалга оширишга, уларни кўрсатиш учун зарур инфратузилмани ривожлантиришга»² қаратилган вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали амалга оширилиши иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда экспортга кўрсатиладиган молиявий хизматларни

¹Итоги мирового экспорта результатов инновационной деятельности. <https://www.worldbank.org.08-8765-45>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги «Экспортга қўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. www.Lex.uz

такомиллаштириш мақсадида экспорт-импорт операцияларини молиялаштиришга ихтисослашган махсус муассасаларни ташкил этиш, экспорт қилувчилар учун экспортолди кредитлари бўйича давлат томонидан кафиллик бериш амалиётини жорий этиш, маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар ташиш харажатларини компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хомашё, бутловчи буюмлар ва материаллар импортида кўшилган қиймат солиғи тўлаш муддатини кечиктириш имкониятини бериш сингари масалаларнинг илмий тадқиқ этилишини тақозо этади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси лойиҳаси тўғрисида»ги, 2020 йил 21 октябрдаги ПФ-6091-сон «Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 20 декабрдаги ПҚ-4069-сон «Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 14 январдаги ПҚ-4949-сон «2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 майдаги 373-сон «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2021 йил 30 мартдаги 167-сон «Ўзбекистон Республикасида экспортни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда экспортга молиявий хизматларни кўрсатишни такомиллаштириш бўйича МДХ ва хорижий мамлакатларда кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилаётган бўлиб, тадқиқот иши давомида МДХ мамлакатлари олим ва мутахассисларидан А.И.Прищепа, О.В.Дацик, Т.И.Бохан, Л.М.Рылова, А.О.Петров, Н.Н.Шеколинский, Н.Петраков, Г.Шагалов ва Р.Т.Юлдашев³ ва бошқа

³Прищепа А.И., Дацик О.В. Механизмы внешнеторгового финансирования экспортных операций в международной практике ведения торговли. Экономика и управление. – 2012. - № 2 (34); Бохан Т.И. Внешнеторговое финансирование экспортных операций в Республике Беларусь. Минск: Минский институт управления. 2012; Рылова Л.М. Предэкспортное финансирование в международной практике. Журнал «Международные банковские операции», 2012. - №1; Петров А.О. Развитие внешнеэкономической деятельности малого и среднего бизнеса в различных странах мира. Научный журнал Донецкого национального университета, 2007; Шеколинский Н.Н. Экспортные кредитные агентства как механизм государственной финансовой поддержки. Диссертация на соискание ученой степени кандидата.

олимларнинг, шунингдек хорижий олим ва мутахассислардан Тодд Мосс, Сара Роз, Жекюз Мелитс, Патрик Мессерлин, Хидеки Фунатсу, Жагдиш Н. Бхаватти, Жованни Ананиа, Мари Бохман ва А.Картер⁴нинг бу борадаги илмий ишлари ўрганилган. Экспортни кенгайтиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири масалалари Дж.Хендерсон, Дж.Раучнинг илк тадқиқотларида бошланган бўлса, П.Кругман, Р.Элизондо, Ж.Тисса, Ж.Оттавиано, К.Беренс, М.Брюллхарт, Ф.Трионфеттининг янги иқтисодий география ва монополистик рақобат модели доирасида давом эттирилди. Экспортнинг иқтисодий ўсишга таъсири самараларини эмпирик баҳолаш масалалари Г.Хэнсон, П.Эггер, К.Йанг, В.Мартинкус, А.Родригез-Посе, Р.Эзкурранинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Экспортнинг интенсив ва экстенсив ўсишини баҳолаш ва таҳлил қилишга С.Эвенетт, Э.Венейблс, А.Амурго-Пачико, М.Пиерола, Т.Биседес, Т.Пруса, Д.Хаммельс, П.Клиноу, Г.Фильбермайер, В.Колернинг ишлари бағишланган. Экспортнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий моҳияти ҳамда уни амалга оширишнинг назарий ва амалий асослари Р.Дорнбуш, Р.Шмалензи, С.Фишер, Д.Кейнс, Д.Рикардо, А.Хансен, С.Харрис, С.Мерзляков, И.А.Белова⁵ сингари хорижлик олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда экспортнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш йўллариини ўрганиш нисбатан янги йўналиш бўлиб, бу борадаги тадқиқотлар илк изланишлар ҳисобланади. Экспортнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари Т.Маликов, П.Жалилов, Э.Гадоев, Н.Кузиева, Н.Ашурова, И.Ниязметов, А.Ўлмасов, М.Эшов, Д.Тожибоева⁶ сингари олимларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Мазкур илмий ишларда экспорт операцияларини молиялаштириш, кичик бизнес экспортини молиявий қўллаб-қувватлаш, экспортга кўрсатиладиган турли-туман молиявий хизматлар, шунингдек, экспорт-

⁴Todd Moss and Sara Rose. China ExIM Bank and Africa: New Lending, New Challenges. November 2006. <http://www.eldis.org>; Jacques Melitz & Patrick Messerlin. Export credit subsidies. Economic Policy. Vol 2, No 4. (Apr 1989) www.jstor.org; Hideki Funatsu. Export Credit Insurance. The Journal of Risk and Insurance. Vol 53, No 4. (Dec 1986) www.jstor.org; Jagdish N. Bhagwati. Export – Promoting Trade Strategy: Issues and Evidence. The World Bank Research Observer. Vol 3., No 1. (Jan 1988) www.jstor.org; Giovanni Anania, Mary Bohman and Colin A. Carter. United States Export Subsidies in Wheat: Strategic Trade policy or Expensive Beggar – Thy – Neighbour Tactic? American Journal of Agricultural Economics. Vol 74, No 3. (Aug 1992) www.jstor.org

⁵ Фишер С, Дорнбуш Р, Шмалензи Р. Экономика. – М.: Финансы и статистика, 1993; Кейнс, Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег: избранные произведения/пер. с англ. Дж. М. Кейнс. – М.: Экономика, 1983. –С. 118; Рикардо Д. Сочинения т. и. «Начало политической экономики и налогового обложения». Пер. с англ. – М.: Госполитиздат, с.360; Классики кейнсианства (Р.Харрод, Э.Хансен), В 2-х. т. – М.: Экономика, 1997г.; Мерзляков С.А. Стратегическое взаимодействие фискальной и монетарной политики в экспортоориентированной экономике. //Деньги и кредит, 2010. № 2. – С. 52-63; Белова И.А. Типы фискального политики государства. Вестник Челябинского государственного университета. 2010. № 6 (187). Экономика. Вып. 26. – С. 69–75.

⁶Маликов Т.С, Жалилов П.Т. Бюджет-солик сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011. – 13 б.; Гадоев Э., Кузиева Н., Ашурова Н. Солик сиёсати стратегияси. – Т., 2013. 27-б.; Ниязметов И.Солик юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. Монография. – Т., 2016. 72-б.; Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Т.: ТДИУ, 2014й., 409-б.; Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Шарқ, 2003 й. – 309 б.

импорт банклари ва экспорт кредит агентликлари фаолиятини ривожлантириш масалалари ўрганилган. Бироқ юқорида таъкидлаб ўтилган тадқиқотларда Ўзбекистон шароитидан келиб чиқилмаганлиги мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170928323-сонли «Ўзбекистонда минтақалар экспорт салоҳиятини оширишда инвестиция дастурларидан самарали фойдаланиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади Ўзбекистонда экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот вазифалари:

назарий ва эмпирик тадқиқотларда экспортнинг иқтисодий ўсишга таъсири самараларини ўрганиш;

экспортни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг концептуал асосларини ўрганиш;

экспортга кўрсатиладиган молиявий хизматларни ўрганиш;

экспортга кўрсатиладиган молиявий хизматларни ривожлантиришнинг хориж тажрибасини ўрганиш;

Ўзбекистонда экспортни молиявий қўллаб-қувватлашнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда экспортнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи молиявий омилларни ўрганиш;

Ўзбекистонда экспортга кўрсатиладиган молиявий хизматларни янада ривожлантириш борасида илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда экспорт фаолиятига хизмат кўрсатувчи ҳамда экспортни қўллаб-қувватловчи молиявий муассасалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тадқиқот олиб боришнинг гуруҳлаш, қиёсий таҳлил ва тизимли ёндашув, иқтисодий-математик моделлар, корреляцион, регрессион, эксперт ва таққослама таҳлил, прогнозлаш, маълумотларга статистик ишлов бериш, гуруҳлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

экспортга кўрсатиладиган молиявий хизматларни такомиллаштириш мақсадида экспорт-импорт операцияларини молиялаштиришга ихтисослашган экспортни рағбатлантириш агентлигини ташкил этиш зарурлиги асосланган;

экспорт қилувчилар «реэкспорт» божхона режимида қайта ишлаш маҳсулотларини олиб чиққанда экспорттолди кредитлари бўйича кредит

суммасининг 50 фоизигача бўлган миқдорига давлат томонидан кафилик бериш амалиётини жорий этиш таклифи асосланган;

маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар ташиш харажатларини 50 фоизигача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш орқали экспортни молиявий қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш таклифи асосланган;

тайёр маҳсулот экспорти улуши 50 фоиздан юқори бўлган юридик шахсларга экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хомашё, бутловчи буюмлар ва материаллар импортида қўшилган қиймат солиғи тўлашни божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб 120 кунга кечиктириш имкониятини бериш таклифи асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

давлатнинг иқтисодий ўсиш, экспортни ривожлантириш дастурлари ижроси амалиётининг жаҳондаги илғор тажрибалари ҳамда бу борада Ўзбекистондаги мавжуд имкониятларнинг тадқиқи асосида экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришнинг зарурлиги ва аҳамияти асосланган;

мамлакат экспорт салоҳиятини бошқаришнинг амалдаги механизми таҳлили асосида экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимининг заиф жиҳатлари аниқланган ҳамда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги Ўзбекистон Республикасида турли омиларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этишнинг янги концептуал схемаси асосида экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришнинг ўрта ва узоқ муддатли вазифаларни амалга оширишга қаратилган комплекс тадбирлари тизими таклиф этилган;

2030 йилгача Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясига мувофиқ равишда мамлакатда экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг даврий ҳисоботларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда ишлаб чиқилган назарий, услубий хулоса ва тавсиялардан экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш борасида амалга ошириладиган илмий тадқиқот ишларининг илмий апаратини бойитиш ҳамда методологик асосларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган назарий, амалий таклиф ва тавсиялар асосида мамлакатдаги экспортни ривожлантиришга оид тармоқ ва ҳудудий дастурларни шакллантиришда, экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан амалий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда экспортни молиявий қўлаб қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

иктисодий ўсишни рағбатлантиришда экспортга кўрсатиладиган молиявий хизматларни такомиллаштириш мақсадида экспорт-импорт операцияларини молиялаштиришга ихтисослашган Экспортни рағбатлантириш агентлигини ташкил этиш юзасидан таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги ПҚ-4069-сон «Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда эътиборга олинган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигининг 2022 йил 31 мартдаги 39-03/04-1/1022-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Молия вазирлиги томонидан ҳар йили давлат бюджети параметрларини шакллантиришда 15 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигига ажратишни кўзда тутувчи ҳужжат қабул қилиниб, 2021 йилда мамлакатимиз экспорт ҳажми 2020 йилга нисбатан 10 фоизга ошган;

экспорт қилувчилар учун экспортолди кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача бўлган миқдорига давлат томонидан кафилик бериш амалиётини жорий этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда эътиборга олинган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигининг 2022 йил 31 мартдаги 39-03/04-1/1022-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 2020 йилда импорт маҳсулотларига нисбатан белгиланган ўрта арифметик божхона ставкалари 14,5 фоиздан 6,4 фоизга туширилиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш, республикада рақобат муҳитини ривожлантириш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспортини қўллаб-қувватлашга қаратилган божхона-тариф сиёсатини янада самарали бошқариш имкониятини яратган;

маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар ташиш харажатларини 50 фоизигача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш орқали экспортни молиявий қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон

«Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда эътиборга олинган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигининг 2022 йил 31 мартдаги 39-03/04-1/1022-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 2021 йилда экспорт қилувчи корхоналар сони 2019 йилга нисбатан 17 фоизга ошган;

тайёр маҳсулот экспорти улуши 50 фоиздан юқори бўлган юридик шахсларга экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хомашё, бутловчи буюмлар ва материаллар импортида кўшилган қиймат солиғи тўлашни божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб 120 кунга кечиктириш имкониятини бериш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда эътиборга олинган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигининг 2022 йил 31 мартдаги 39-03/04-1/1022-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 2021 йилда мамлакат экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар ҳажми 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шу жумладан, миллий ОАК эътироф этган журналларда 3 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 5 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, қисми 10 та параграфни ўз ичига олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимининг назарий-ҳуқуқий асослари**» деб номланган биринчи бобида,

экспортни молиялаштиришнинг мазмуни, экспортни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш шакллари ва инструментларининг концептуал асослари, назарий ва эмпирик тадқиқотларда экспортнинг иқтисодий ўсишга таъсири самаралари, экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан давлатнинг самарали тадбирлари тизимига оид хориж тажрибалари кенг тадқиқ этилган.

Экспортни молиялаштиришни тизимли тушуниш ва тадқиқ этиш уларга оид тушунчалар, муносабатлар, хоссалар ва хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлигини ёритиб бериш ҳамда бу боғлиқликни мантиқан тузилган тизим кўринишида ифода этади. Бу масалада давлат томонидан экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришнинг самарали воситаларидан фойдаланиш масалаларини ҳам комплекс тарзда тадқиқ этиш экспортни бошқариш амалиётига оид хоссалар ва қонуниятларни чуқурроқ, кенгроқ тушунишга хизмат қилади.

Экспортни молиялаштиришни иқтисодий тизимлаштирилган қоидалар асосида ўрганиш уни бир вақтнинг ўзида уч даражадаги муносабат мажмуи сифатида кўриб чиқишни талаб этади (1-расм).

«Экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий ўсишга ижобий таъсир» тушунчасининг мазмуини тизимли тарзда тушунишнинг қуйидаги жиҳатларини ажратиб кўрсатиш лозим:

а) иқтисодий ўсиш мақсадлари. Иқтисодий ўсиш жараёни таҳлилининг вақт доирасидаги чекланганлигидан келиб чиқиб, иқтисодий ўсиш мақсадининг икки даражасини фарқлаш зарур: асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши ва аҳоли турмуш даражаси ўзгариши. Иқтисодий ўсиш узоқ муддатли мақсади амалга оширилишининг муҳим шарти сифатида барча иқтисодиёт субъектларининг яхлит тарздаги ривожланиши, улар ҳар бири томонидан маълум стратегик мақсадларга эришишнинг таъминланиши майдонга чиқади;

б) иқтисодий ўсиш тури. Ишлаб чиқариш омилларининг мутаносиблиги ва ўзаро ҳаракати иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турларини белгилайди;

в) иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари (ўсиш статистикаси). Иқтисодий ўсиш жараёни миқдорий ва сифат кўрсаткичлари орқали тавсифланади. Иқтисодий ўсишнинг миқдорий кўрсаткичларига ялпи ички маҳсулот ЯИМ (ЯММ) ҳажмининг ошиш суръати, жон бошига тўғри келувчи ЯИМ(ЯММ) ҳажмининг ошиш суръати, иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиш суръатлари, иқтисодий самарадорлик (меҳнат унумдорлиги) кўрсаткичлари киради. Ўсишнинг яқунлари турмуш даражаси ва сифати кўрсаткичларига таъсир кўрсатади;

г) иқтисодий ўсиш самарадорлиги. Фақат ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ҳажми ошишига асосланган иқтисодий ўсишгина жамиятнинг ошиб бораётган эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайди;



1-расм. Экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини тизимли тушуниш ва тадқиқ этиш⁷

д) иқтисодий ўсиш зиддиятлари. ЯИМнинг абсолют ва нисбий кўрсаткичларда ўсиши ҳали турмуш даражаси ва сифати яхшиланишига олиб келавермайди ва бунга иқтисодий ўсиш зиддиятлари тўсқинлик қилади:

⁷Муаллиф ишланмаси.

экологик зиддият (атроф-муҳитнинг ифлосланиши, табиий ресурсларнинг камайиб бориши) ва ижтимоий муаммоларнинг кескинлашуви (даромадлар тақсимоотидаги номутаносибликлик, меҳнатнинг ўта интенсивлашуви ва ҳ.к.);

е) иқтисодий ўсиш омиллари тизими. Муаллифнинг фикрича, иқтисодий ўсиш омилларига иқтисодий ўсишнинг хусусияти, жиҳатлари, турлари ва динамикасини аниқловчи сабаб-оқибат ҳодисалари, зарур шароитлар киради. Иқтисодий ўсиш омиллари ўзаро боғлиқ, маълум маънода ўзаро келишган ҳолда амал қилади. Мазкур ҳолатлар иқтисодий ўсиш омиллари мажмуи маълум даражадаги ташкилий тизимдан иборат бўлиб, унинг элементлари ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи боғлиқликда фаолият юритадилар.

Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий тармоқларни диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

-иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг аниқ, чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйланган узоқ муддатли режаларини ишлаб чиқиш, шу асосда асосий тармоқларни диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш;

-жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш, корхоналарни кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш;

-иқтисодиёт тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш;

-корхоналарни мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босувчи маҳсулотларнинг ҳудудларда кенг ишлаб чиқарилишини таъминлаш;

-меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежовчи замонавий технологияларни кенг жорий этиш;

-маҳаллий хомашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ошиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ҳоказо.

Мазкур кўрсатиб ўтилган йўналишлар иқтисодий ўсишнинг «ажратиб олинган шарт-шароитлари» бўлмай, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирини тақозо этувчанлиги – барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида улар амалга ошишининг муҳим шартидир.

Ижтимоий-иқтисодий тизимлаштириш (услуг) коидалари асосида экспортнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини тизимли тушуниш ва тадқиқ этиш асосидаги умумлашган талқини унинг «доимий тарзда ошиб

борувчи ижтимоий эҳтиёжларни янада тўлиқроқ кондириш мақсадида иқтисодий ресурслардан янада самаралироқ фойдаланиш асосида тегишли давр мобайнида ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажми ва шароитларининг миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгаришларини ифода этувчи сиёсий-иқтисодий категория сифатидаги ифодаси» эканлигини таъкидлаш имконини беради.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ўзбекистон Республикасида экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимининг жорий ҳолати таҳлили» деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистонда экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш тизими таҳлили, экспортга кўрсатилаётган молиявий хизматлар таҳлили, экспорт устуворлиги асосида ташқи савдо балансини баҳолаш натижалари ҳамда интенсив экспорт имкониятлари таҳлили, интенсив ва экстенсив экспорт ҳажми ошишининг иқтисодий ўсишга таъсирининг эмпирик таҳлили услубиёти тадқиқи амалга оширилган.

1-жадвал

Ўзбекистон банклари томонидан экспортга кўрсатилаётган молиявий хизматлар тавсифи⁸

№	Молиявий хизматлар	Тавсиф
1.	Банк кафолати	Бугунги кунда мамлакатимизнинг энг йирик банкларидан бўлган Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Асака банки, Саноат қурилиш банки, Азия инвест банки ва яна бир қанча банклар Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги бир неча давлат ва хусусий ташқи савдо компанияларининг экспорт операцияларини хорижий импорт қилувчилар олдида кафолатлайди
2.	Аккредитив очиш	Ҳозирги кунда экспортга молиявий хизматлар кўрсатаётган тижорат банкларида аккредитивларни очиш орқали экспорт қилувчилар фаолиятини янада рағбатлантиришга ҳаракат қилинмоқда. Бу ўз навбатида, тижорат банкларини ўз мижозлари олдидаги мавқеи ва ишончни ҳар томонлама мустаҳкамлашга интилишига олиб келади
3.	Факторинг	Бугунги кунда бундай молиявий хизматни кўрсатиш учун тижорат банкларидан мавжуд риск даражаларини сифатли ва ўз вақтида аниқлаш ҳамда баҳолаш маҳоратлари талаб этилмоқда
4.	Экспортни кредитлаш	Ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан асосий эътибор экспортгача бўлган фаолиятни молиялаштиришга қаратилмоқда, лекин жаҳон тажрибаси кўрсатадики, экспортдан кейинги фаолиятни молиялаштириш, риск даражаларини тўғри ҳисобга олиш ва баҳолаш шарти билан экспорт кредитларини ажратиш тижорат банклари учун ҳар томонлама қулайроқ ва манфаатлироқдир.


⁸Амалдаги банк қонунчилиги асосида муаллиф ишланмаси.

Ўзбекистонда экспортга кўрсатилаётган молиявий ва бошқа хизматларни қуйидаги гуруҳларга ажратган ҳолда таҳлил қилиш лозим:

- банк хизматлари;
- суғурта хизматлари;
- маркетинг ва тижорат-воситачилик хизматлари;
- солиқ преференциялари;
- логистика транспорт хизматлари;
- молиявий консалтинг хизматлари.

Аккредитив очиш орқали экспортни молиялаштириш мумкин, бу жараёнда экспорт қилувчиларга бир қанча имкониятлар эшиги очилади, лекин бу хизмат барча банклар томонидан кўрсатилмайди, бунга асосий сабаб уларнинг ушбу ташқи савдо операцияларига доир хизмат кўрсатиш имкониятлари мавжуд эмаслигидир.

Ўзбекистонда мавжуд банкларда ҳам аккредитив очиш орқали экспорт қилувчиларга хизмат кўрсатиш шаклланмаган, шунинг учун хориж тажрибаси таҳлилига кўра экспортчиларга асосан мамлакатдаги Эксимбанк томонидан экспортни молиялаштиришга доир барча хизматлар ташкил этилиши орқали мамлакат экспорт салоҳияти ошириб борилади.



**2-расм. ТИФ МБ да экспорт бўйича аккредитивлар динамикаси⁹
(млн. АҚШ долл.)**

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки томонидан экспорт бўйича 1358 млн. АҚШ доллари атрофида аккредитив тўловлар амалга оширилган бўлиб, 2015 йилдан бошлаб, бу суръат камая бошлаган. Бунинг асосий сабаби шундаки, 2014 йилда ТИФ МБ аккредитив тўловларни амалга ошириш бўйича асосий банк ҳисоблангани боис, бундай тўловларнинг аксарияти ушбу банк ҳиссасига тўғри келган. Кейинчалик, ҳукуматнинг саъй-ҳаракати бундай тўловларни амалга оширишда бошқа банклар, хусусан, «Асака Банк» ҳам фаол иштирок эта бошлаган. Бу эса

⁹Манба: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки.

табiiй равишда, ТИФ МБ томонидан амалга оширилган аккредитив тўловларнинг нисбатан камайишига олиб келган. 2020 йилда ТИФ МБ томонидан амалга оширилган аккредитив тўловларнинг яна кўтарилиши (1084 млн. АҚШ доллари) мамлакатимизда маҳсулотлар экспорти ҳажмининг ошиб бориши билан тавсифланади.

Суғурта хизматлари орқали ҳам экспорт қилувчиларни ташқи бозорлардаги турли хил хавф-хатарлардан комплекс ҳимоя қилиш тизимини ташкил этиш мумкин. Экспорт қилувчи экспорт қилган маҳсулотини шартномада кўрсатилган манзилга этиб бориши ва харидор томонидан маҳсулот учун келишилган тўловнинг ўз вақтида тўлиқ тўланиши асосий хавф-хатарлардан бири ҳисобланади, суғурта қилувчи бундай ҳолатларни тўлиқ таҳлил қилган ҳолда экспорт қилувчини суғурталаш бир қанча мураккабликларга эга. Ривожланган ва ривожланаётган хорижий давлатлар (АҚШ, Япония, Германия, Англия, Хитой ва Ҳиндистон) тажрибасида экспорт қилувчи хоҳ йирик корхона бўлсин, хоҳ кичик бўлсин уларнинг барчасининг манфаатлари давлат томонидан кафолатланган «Экспорт кредит агентлик»лари томонидан суғуртавий ҳимояга олинади. ЭКА тизими уларда жуда яхши ривожланган, шу билан бирга хусусий ЭКАлар ҳам фаолият юритаётган Хитой тажрибаси диққатга сазовордир.

Ўзбекистонда 1994 йилдан 2021 йилга қадар экспортни суғурталаш асосан АЖ «Ўзбекинвест» экспорт-импорт суғурта компанияси томонидан амалга ошириб келинмоқда. Экспорт қилувчиларга имкони бўлса, бир қанча суғурта компаниялари томонидан хизмат кўрсатишнинг таклиф қилиниши ушбу соҳада рақобатнинг ошиши ва сифатли хизмат кўрсатилишига сабаб бўлар эди. Шу билан бирга битта суғурта компаниясининг хизмат кўрсатишдаги устунлиги суғурта соҳасида унинг монополлигини англатади ва бу ҳолатда экспорт қилувчилар учун яратилган суғурта хизматлари таъриф ставкаларининг юқори чегарасини қўллаш имкони яратилади.

Экспорт қилувчилар учун комплекс суғурта хизматини кўрсатишга кўплаб суғурта компанияларининг имкониятлари қуйидаги сабабларга кўра чегараланган:

Суғурта компаниясининг ташқи иқтисодий фаолият хизматларини олиб бориши учун молиявий имконияти етарли эмаслиги;

Суғурта компаниясининг ташкил этилиш нуқтаи назаридан уларнинг айнан қайсидир мақсадга мўлжалланганлиги;


Ташқи савдо фаолиятининг мураккаблиги ва жавобгарлик юқорилиги.

3-расм маълумотлари таҳлиliga кўра, 2017-2021 йилларда «Ўзбекинвест» АЖ ЭИСКнинг миллий экспортчи ва инвесторларнинг комплекс суғурта ҳимояси бўйича мажбуриятлари динамикасининг фақат ўсиш тенденциясига эга бўлганлигини кўриш мумкин (масалан, 2008 йилдаги 1197,5 млрд. сўмдан 2012 йилдаги 14620,2 млрд. сўмгача бўлган ўсиш кузатилган).

Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- «Ўзбекинвест» АЖ ЭИСК хўжалик субъектларининг ташқи иқтисодий ва савдо операцияларини суғурта қилувчи асосий давлат улуши мавжуд бўлган суғурта компания ҳисобланганлиги боис, миллий экспорт қилувчилар ва инвесторларнинг аксарияти мазкур компания хизматидан фойдаланади;

-кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган оқилона иқтисодий сиёсат сабабли мамлакат экспорт ҳажми ошиб бораётганлиги ва хорижий инвесторларнинг мамлакатимизга кириб келиши учун қулай шарт-шароитлар яратилаётганлиги натижасида экспорт ва инвестицияларни суғурталашга талаб ортиб борган.



3-расм. АЖ «Ўзбекинвест» экспорт-импорт суғурта компанияси томонидан миллий экспортчи ва инвесторларнинг комплекс суғурта химояси бўйича мажбуриятлар динамикаси (млрд. сўм)¹⁰

«Ўзбекинвест» АЖ ЭИСК томонидан экспортга кўрсатилаётган хизматлари асосини экспорт-импорт қалтисликлари суғуртаси ташкил этаётган бўлиб, у қуйидагиларда ўз ифодасини топмоқда:

- экспорт шартномасини комплекс суғурталаш;
- экспорт шартномаси бекор қилинишидан суғурталаш;
- банк аккредитиви бўйича мажбуриятларни бажармасликдан суғурталаш;
- кафолат бўйича тўловларни ноқонуний талаб қилинишидан суғурталаш;
- инвестицияларни мусодара, экспроприация ва миллийлаштириш қалтисликларидан суғурталаш;
- дебиторлик қарзларини суғурталаш ва аванс тўловларини суғурталаш¹¹.

Сўнги йилларда янги Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг натижаси сифатида мамлакат экспорт салоҳияти ошиб

¹⁰ АЖ «Ўзбекинвест» экспорт - импорт суғурта компанияси 2021 йиллик ҳисоботи.

¹¹ АЖ «Ўзбекинвест» экспорт - импорт суғурта компанияси 2021 йиллик ҳисоботи.

бораётганлиги, ўз навбатида, экспортга молиявий консалтинг ва ташқи бозорларга олиб чиқишни ташкил этувчи тижорат-воситачилик хизматларига талаб ҳам кескин ортиб бормоқда.

Очиқ иқтисодиётнинг амалий қоидаларидан бири турли мулкчилик шакллари тараққий эттириш, шу билан бирга хизмат кўрсатиш соҳасини яна такомиллаштириш зарурати билан асосланса, бошқа томондан эса экспортга кўрсатилаётган молиявий хизматларни комплекс тарзда ривожлантиришга талаб ошиб бораётганлиги билан асосланади.

Молиявий консалтинг хизматлари. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал суръатларда ривожланиб бораётганлиги, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорларга ўз маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятлари ортиб бораётганлиги молиявий-консалтинг хизматларига талабнинг ҳам ошишига олиб келмоқда. Бугунги кунда кўплаб тадбиркорлар экспортга кўрсатиладиган молиявий хизматлар бўйича ҳам маслаҳатга эҳтиёж сезмоқдалар. Кейинги йилларда молиявий консалтинг хизматлари ривожланиб боришига қарамай, айнан экспортга кўрсатиладиган молиявий хизматлар бўйича консалтингга ихтисослашган фирма ва бўлинмалар мавжуд эмас. Ваҳоланки, мамлакатда экспортни молиялаштиришга талабнинг ортиб бориши экспортга молиявий консалтинг хизматлари кўрсатувчи фирма ва бўлинмаларни ривожлантириш заруратини юзага келтирмоқда. Бу эса ўз навбатида, мамлакатда экспорт кредит агентликларини тезроқ ривожлантириш учун имкон яратмоқда.

Ўзбекистонда ҳам экспортга кўрсатилаётган молиявий хизматларни экспортгача бўлган ва экспортдан кейинги молиявий хизматлар гуруҳларига ажратиш мумкин. Мамлакатимизда экспортни ривожлантириш бўйича яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланилса, иккала гуруҳдаги молиявий хизматларни ҳам мукамал даражада ривожлантиришга эришиш мумкин.


Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикасида экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш йўллари**» номли учинчи бобидан экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини оширишнинг концептуал асослари ҳамда экспортга кўрсатилаётган молиявий хизматларни такомиллаштириш йўналишлари тадқиқ этилган.

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш аҳамияти ошганлигининг сабаблари, янги жиҳатлари ва унинг истиқболларини ёритиш ўта муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, самарали ташқи иқтисодий фаолиятга оид жаҳон амалиёти ва экспортни рағбатлантириш механизмнинг замонавий трендлари тажрибаларини ўзлаштириш асосида унинг самарали восита ва усулларини қўллаш хусусиятлари ва вазифаларини ёритиш, Ўзбекистон Республикасининг ўрта ва узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларида самарали экспортнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини қўллаб-қувватлаш йўналишларини илмий асослаш, мамлакат экспорт

салоҳиятини кўтариш ва ташқи бозорларда маҳсулотларимиз рақобатбардошлигини ошириш муҳим устувор йўналишлардан бири ҳисобланади¹².

Ўзбекистон Республикасида экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш концепцияси моделини ишлаб чиқиш асосига қуйидаги кетма-кетликка риоя қилиш шarti қўйилган. Дастлаб, мамлакатимизда давлат томонидан ташқи савдо ва экспортни ташкил этиш ва бошқариш амалиётида экспортни рағбатлантиришнинг ҳозирги ҳолати, унинг хусусиятлари ва муаммолари таҳлил қилинади. Кейинги босқичда (учинчи бўлим) экспортнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини оширишнинг асосий мақсади аниқланади. Уни аниқлаш концепция моделини ишлаб чиқишдаги ўта мураккаб масалалардан бўлиб, у стратегик вазифалар кўлами ва уларни амалга ошириш йўллари белгилайди.

Мазкур заруратни эътиборга олиб, тадқиқотда муаллиф томонидан «2022-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш концепцияси модели» ишлаб чиқилди (4-расм).



4-расм. Экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш концепцияси модели¹³

Концепциянинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикасида экспортнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини қўллаб-қувватлаш

¹²Қаршиев Д.Э. Экспортнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш омиллари хусусида. // "Science and Education" Scientific Journal, September 2021. Volume 2 Issue 9, p.406-416.

¹³Муаллиф ишланмаси

ҳуқуқий асосларининг умумий тавсифи ёритилган. Унга кўра экспортни молиявий қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги ПҚ-4069-сонли «Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги ПҚ-4949-сонли «2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 октябрдаги ПФ-6091-сонли «Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 майдаги 373-сонли «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2021 йил 30 мартдаги 167-сонли «Ўзбекистон Республикасида экспортни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Концепциянинг иккинчи бўлимида эса, экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимининг амалдаги ҳолатидаги муаммолар ёритилган ва улар қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқариш қувватларидан ва кенг турдаги хомашё, шунингдек, меҳнат ресурслари мавжуд бўлган ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминловчи афзалликлардан тўлиқ ҳажмда фойдаланилмаётганлиги;

экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари ривожланмаяпти, экспортолди ва экспортни молиялаштириш механизмлари мавжуд эмаслиги;

чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, узоқ муддатли барқарор ташқи бозорларни шакллантириш ва хорижда ташқи савдо инфратузилмасини яратишга етарли даражада эътибор қаратилмаётганлиги;

хизмат турлари экспортини ташкил қилиш ва илгари суриш бўйича тизимли ишлар мавжуд эмаслиги, уларни кўрсатиш учун зарур инфратузилма ривожланмаганлиги.

Концепциянинг учинчи бўлимида экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини оширишнинг асосий мақсади баён этилган, у қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг ўрта ва узоқ муддатли истикболдаги иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларида инклюзив ва барқарор ўсишни таъминлаш мақсадида ташқи савдонинг очиқлиги, экспорт сифати ва диверсификация даражаси оширилишига асосланган юқори сифатли ва қўшилган қийматга эга маҳсулотлар турини кенгайтириш орқали экспорт маҳсулотларига талаб ортиши, нархлар ўсиши ва экспортчиларнинг фойдаси ошишига эришишда ифодаланувчи интенсив экспорт сиёсати юритиш.

Концепциянинг тўртинчи бўлими экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш босқичлари ва уларнинг вазифалари қуйидаги босқичлардан иборат:

Биринчи босқичда (2022-2023 йиллар) макроиқтисодий барқарорлик бозор муносабатларининг институционал базасини яратиш, реал секторнинг тармоқлари ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, инсон капиталини яхшилаш ва экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича қабул қилинган ҳужжатлар амалга оширилиши орқали иқтисодиётнинг янги шарт-шароитлар ва бозор механизмларига мослашиши юз беради.


Иккинчи босқичда (2024-2026 йиллар) қайта ишловчи тармоқларни жадал ривожлантириш, фойдаланаётган ресурслар самарадорлигини ошириш, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга йўналтирилган янги бозор ва ишлаб чиқариш тузилмаларини шакллантириш ҳисобига иқтисодиёт тармоқларида сифатли тузилмавий ўзгаришларга эришилади.

